КУТУБХОНАСИ



# Наврўзи олам муборак бўлсин!

2005 YIL 22 MART, SESHANBA

Qishloq HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 43. (6.880). Sotuvda erkin narxda

# Ҳаловатли элнинг тароватли сайли

***Гўзал диёримизга қадимий ва ардоқли байрамимиз - Наврўз кириб келди. Ҳар ёнда кўклам сурури кезмоқда, табиат уйғонмоқда. Наврўз - аждодларимиз неча минг йиллардан буён нишонлаб келаётган гўзаллик ва нафосат айёми.***

Табиат кун оша гулларга бурканаётган, орзу-армонларимиз ушалиб, янги умидларимиз майсадек ниш отаётган, истиқлолимиз офтоби кундан-кун чарақлаб, бизга илҳом ва шижоат бағишлаб турган шу файзли дамларда юртимиз айниқса ўзгача жозиба касб этган. Халқимиз Наврўзни ота-боболаримиз каби гавжум сайилгоҳларда, диёримизнинг барча гўшаларида ҳар галгидан ҳам фусункор ва кенг миқёсда - сайил тарзида нишонлаётир.

Пойтахтимизнинг кўркам боғ ва хиёбонлари, майдонлари узра эрта тонгданоқ мумтоз куй-қўшиқлар, лапар ва яллалар, мушоираю наволар янграмоқда. Юртимиз аҳли Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон халқига Наврўз табриги»ни кўтаринки руҳ билан кутиб олди. Юртбошимиз табригида таъкидланганидек, «Бундан минг йиллар аввал ҳам мана шундай Наврўз айёмида аждодларимиз, ота-боболаримиз қўш



ҳайдаб, далага дон сочиб, одамга куч-қувват берадиган сумалак ва ҳалим каби тансиқ таомлар тайёрлаб, мўл ҳосил, ризқу рўз тилаб пок ният қилганлар, шоду хуррамлик билан кўклам нашидасини сурганлар».

21 март. Соат 10.00. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи байрамона безатилган. Бу ерга пойтахтимиз маҳаллаларидан муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрганлар.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов йиғилганларни байрам билан қутлади.

Майдон узра янги кун, янги йил ибтидоси Наврўзи оламни мадҳ этувчи майин наво таралади. Жилдираб оқаётган сув садоси, қушлар сайраши, гулларнинг чаппар уриб очилиши кўкламдан дарак беради. Баҳор фаслини бутун кўрки, тароватни ва жозибаси билан яққол намоён қиладиган мусиқий оҳанглар, лобар рақслар, фусункор саҳна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнаб, тинч ва осойишта, дунёда ўзининг юксак ўрни ва мавқеини эгаллаб, халқимиз эса сиҳат-саломат ва бардам, салмоқли ютуқлари, мўл-кўл орзулари, эзгу тилаклари, бунёдкорлик кайфияти билан фасли Наврўзга қадам қўймоқда. Ана шу ёруғ кунларга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз учун қалбларимиз шукроналик туйғулари билан лиммо-лим.

Мамлакатимиз раҳбари Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилган жорий йилда ҳукуматимизнинг махсус дастури қабул қилинди. Бу борада кенг кўламли чора-тадбирларни амалда татбиқ этишга киришилди. Эзгу ният билан номланган йилда ўтказилаётган Наврўз тантаналарида халқимизнинг инсон ўз



соғлиғини асраган тақдирда табиатни, ҳаёт давомийлигини асрай олиши билан боғлиқ умр фалсафасига алоҳида аҳамият берилган. Эндиликда давлат, жамият ва барча юртдошларимизнинг саъй-ҳаракати, куч-қудрати ва салоҳияти Юртбошимизнинг: «Соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади», деган даъвати ижобатига қаратилаётгани эътиборлидир.

Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси остида жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Азалдан халқимиз Наврўз кунлари ёппасига қирадирларга, кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга сайилга чиққан. Диёримиз бўйлаб бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови янграган. Катта сайиллар - улоқ чопиш, от пойгаси, кураш, мерганлик каби томошалар ўтказилган. Улкан дошқозонларда кўклам таомлари пиширилган.

Фольклор ва этнографик жамоаларининг ранг-баранг, ўзига хос дастурлари, халқ ўйинлари, катта ашула, қўшиқ, лапар, ўлан, айтишув, ялла, аскиялар ижросида қадимий ва навқирон байрамимизнинг ана шу хилма-хил ва ноёб қирралари моҳирона акс эттирилади. Саҳна томошалари қизигандан-қизийди. Дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этадилар.

Наврўз кунлари далага қўш



чиқариш ва ерга уруғ қадаш маросими - экин сайлини ўтказиш халқимизнинг қадимий урфи. Асрий анъаналаримизга кўра айни кунларда деҳқонларимиз юртимиз тинч ва обод, дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин, деган ниятда ерга уруғ қадамоқда.

Ватанимиз бўйлаб гуллар, кўчатлар экиш, кенг миқёсли ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари авжида.

Янгиланиш - нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос узвий жараён. Халқимиз хоҳиш-иродаси билан мамлакатимизда икки палатали парламент шакллантирилиши тимсолида ҳаётимизда, жамиятимизда янги давр, янги босқич бошланди.

(Давоми 2-бетда)

# Кўклам шукуҳи дилларга кўчди

## Андижон:

***Андижон томонларда ҳам омонлик-эсонлик, меҳр ва мурувват байрами бўлмиш Наврўз байрамига тайёргарлик ишлари ердан қор кетиши биланоқ бошланган эди. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва маҳаллаларида, қўйингки, ҳар бир хонадонда Наврўзни хуш кайфият билан кутиб олишга ёшу қари бирдек киришганди. Ҳамма ўз ҳовлисини, кўчасини обод қилишга бел боғлади.***

Бугун Андижоннинг қай томонига нигоҳингизни ташласангиз кўзингиз ва дилингиз яшнайди. Ўтказилган мевали ва манзарали дарахтларни санаб адоғига етолмайсиз. Деворлар ва дарахтлар оқлаб чиқилган. Опа-сингилларимиз шу кунларда бир-биридан чиройли гул кўчатларини ўтқазишяпти. Ҳадемай бу гуллар лоладек товланиб, то кеч кузгача юртга файз-тароват бахш этиб туради.

Андижон туманидаги И.Патиддинов номли ширкат хўжалигида 75 ёшли Алижон ота Тожибоев оилавий пудратчи бўлиб ишлайди. Бошқа тенгдошлари каби отахон ҳам фарзандларига дуогўй бўлиб юрса бўлаверарди. Отахондаги ғайрат ва шижоат, энг муҳими, яратишга бўлган кучли иштиёқ уни далага чорлагани чорлаган. Биз отахон ҳузурида бўлган чоғимизда дов-дарахтларга ишлов бераётган экан. Отахонни Наврўзи олам билан қутладик. Алижон ота Наврўз ҳақида лўнда гапни айтиб қолди.

– Эътибор қилганмисизлар, - деди отахон атрофдаги ғаллазорга бизнинг ҳам нигоҳимизни қаратгандек бўлиб, - бир дона уруғ ерга тушса бас. Ҳадемай ўша уруғ тупроқни кўтариб юборади. Наврўз ҳам худди шундай. Унинг қудрати билан кўнглимиз шу қадар яшнайдики, ана шу кўтаринкилик билан деҳқончиликка киришиб кетамиз. То яна Наврўз билан юзлашгунга қадар ўша кайфият деҳқонга ҳамроҳ бўлади. Негаки, деҳқон бир дона уруғда ҳаёт қудратини ҳар куни кўриб туради.

Андижонда Алижон отадек уста деҳқонлар бисёр. Қайси қишлоққа борсангиз, албатта, қўлида қайчиси билан дарахтларга шакл бераётган ёки набирасини ёнига олиб деҳқончиликка уннаётганларга дуч келаверасиз. Ана шунда "Қари билганини пари билмайди" деган халқ нақли яна бир карра ёдга тушади.

Байрам арафасида Андижонда ҳам хайрия ҳашари ўтказилди. Ободонлаштириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламига кўмак бериш, маҳаллаларда болалар спортини, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳамда "Сиҳат-саломатлик йили" дастури билан боғлиқ ишлар амалга оширилди.

Бу галги байрам яна бир жиҳати билан аввалгиларидан ажралиб турди. Яъни халқ сайиллари асосий майдонлардан ташқари ҳар бир маҳалла ва кўчада бўлиб ўтди. Бунда болалар ҳам, катталар ҳам бирдек яйрашди.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

* * *

## Фарғона:

***Фарғонада бу йилги Наврўз ўзгача сурур, ғайрат-шижоат, халқ сайли, мустақиллик берган улуғ саодатлардан бири сифатида кенг нишонланди. Фарғона шаҳридан тортиб энг чекка қишлоқларгача Наврўз шукуҳи олиб кирилди, завқ-шавқ бахш этувчи санъаткорлар эл хизматида бўлишди.***

Корхона ва ташкилот, муассасаларнинг ишчи, ходим, хизматчиларига банклар томонидан пул мукофотлари ажратилиб тарқатилди. "Меҳрибонлик уйлари"нинг тарбияланувчиларига, уруш ва меҳнат фахрийлари, якка-ёлғиз, кам таъминланган оилалар, ногирон, етим-есирлар ҳолидан хабар олиш ҳамда уларга моддий ёрдам бериб, умумхалқ сайлини ўтказиш вилоят ташкилий қўмитасининг аъзолари фаол қатнашишди.

Аҳмад ал-Фарғоний мажмуаси янада янги чирой очди. Фарғона нефтни қайта ишлаш, Фарғона ёғ-мой комбинати, Марказий деҳқон бозори, "Қувасой кварц" бирлашма ва корхоналарида карнай-сурнайларнинг овози тинмади.

Деҳқонлар ерга барака уруғи қадаш учун ҳамма нарсани тахт қилиб қўйишди. "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурига мувофиқ вилоятда ўқувчилар, талабалар марафони ўтказилди. Наврўзга бағишлаб жойларда спортнинг тош кўтариш, белбоғли кураш, шоҳмот, шашка, стол тенниси, волейбол мусобақалари ташкиллаштирилди. Ғолибларга вилоят ҳокимлиги, болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг дипломлари топширилди.

Фарғона шаҳрида 21 март куни наҳорга 50 жойда, шунингдек, Қўқон, Марғилон, Олтиариқ, Қува, Тошлоқ, Охунбобоев, Фарғона, Ёзёвон туманлари маҳалла гузарлари, қишлоқларида ҳам миллий таом ош дамланди.

**Баҳодир ХОЛМАТОВ**

* * *

## Сирдарё:

***Янгиланиш, яшариш байрами – Наврўзи оламни сирдарёликлар яхши кайфият, юксак кўтаринкилик руҳи билан кутиб олдилар. Вилоятнинг қишлоғу шаҳарлари, далаю боғлари, ўзгача файзу тароват касб этди. Эрта тонгдан карнаю сурнай наволари гулистонликларни марказдаги маданият ва истироҳат боғига чорлади.***

Бир пасда бу ер гулгун чеҳралар билан тўлиб-тошди. Боғдаги яшил театрдан ташқари тўртта жойда концерт дастурлари намойиш этилди. Бир томонда хўроз уриштириш, бир томонда кураш... Сумалак тарқатган киму, ҳалим улашган ким. Халқ сайлига чиққан юртдошларимизнинг қай бири билан суҳбатлашмайлик, гапларида байрам тафтини сезасиз. Наврўз бу нафақат байрам, балки меҳр-оқибат нишонаси, покланиш, меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлаш фасли ҳамдир.

– Янгиерликлар баҳор байрамини муносиб кутиб олдилар. Умумхалқ ҳашари куни минглаб мевали ва манзарали кўчатлар экилди, - дейди фуқаролар йиғини раиси Рустам Баҳриддинов. – Кўплаб ночор, ногиронлар оилалари ҳолидан хабар олинди. Байрам куни марказдаги истироҳат боғида халқ сайли ўтказилди. Барча атракционлар ишлади, арқон тортиш, кураш, хўроз ўйинлари, концерт дастурлари кечгача давом этди.

– Бу йилги Наврўзни пухта тайёргарлик билан кутиб олдик, - дейди Ховос туманидаги "Раҳматжон" фермер хўжалиги бошлиғи Ҳабибжон Отаев. – Барча майдонларимиз, техникаларимизни экишга тайёр қилиб қўйганмиз. – Чунки баҳорнинг келиши яхши. Эсон-омон чигитни ундириб олсак, марра бизники. Барча деҳқонларимизни Наврўз айёми билан табриклайман.

Шу куни Гулистонда ва барча туманларда Наврўз тантаналари давом этди.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

* * *

## Тошкент вилояти:

***Қибрай туманининг пойтахтимизга туташ «Амир Темур» маҳалласида икки мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла илгари тўлиқ газлаштирилган бўлса ҳам, қишнинг совуқ кунларида газ босими кескин пасайиб кетарди. Байрам арафасида бу ерга етти юз метр масофага қувур тортилиб, барча хонадонлар янги газ тармоғига уланди.***

Яқинда маҳалла ҳудудидаги электр узатиш тармоқлари ҳам тўла таъмирдан чиқарилган эди. Бу ишларга маҳаллий ҳокимлик томонидан 16 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

- Байрамолди ҳашарини ҳам уюшқоқлик билан ўтказдик, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Қурбонов. - Унда маҳалламиз аҳли фаол қатнашиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга муносиб ҳисса қўшди. Ариқ-зовурлар тозаланиб, юзлаб дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди.

Наврўз тантаналари ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Маҳалладаги кўп болали ва кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган қарияларга байрам совғалари улашилди.

**Рустам ЖАББОРОВ**

"ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ" КОМПАНИЯСИ:

# Маҳсулот сифати билан харидоргир

***Холдинг компания деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва хорижга экспорт қилиш бўйича республикамиздаги етакчи тизим саналади.***

ЖАРАЁН

Тармоқда мева-сабзавот ва узумни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган 27 та фирма, 84 та қишлоқ хўжалик, 81 та йирик саноат корхоналари, шу жумладан, 31 та қўшма корхоналар, 92 та улгуржи базалар, 268 та фирма магазинлари, 5 та этил спирт ишлаб чиқарувчи корхоналар, 2 та лойиҳа институти ва 7 та ташқи савдо фирмалари фаолият кўрсатаяпти. Қайта ишлаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хилма-хил бўлиб, улар сирасига мева-сабзавот консервалари, турли хилдаги компот ва шарбатлар, шунингдек, алкогол маҳсулотлари ва бошқалар киради.

## Ғалвир сувдан кўтарилганда

Қайси соҳа бўлмасин, эришилган ютуқлару йўл қўйилган хатолар сарҳисоб чоғида, ғалвир сувдан кўтарилган паллада ойдинлашади. Хўш, ўтган 2004 йил "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси учун қандай бўлди?

Олинган маълумотларга қараганда, компания корхона ва ташкилотлари томонидан 2004 йилда 136,1 миллиард сўмлик халқ истеъмоли, 73 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

(Давоми 3-бетда)

ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА...

# Юксакдир сержант мақоми

***Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар замирида сержантларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун сержант мақоми ҳар доимгидан юксак, устувор.***

Уларга армиямиз суянчи ва таянчи, аскарларнинг яқин устози, деб қаралмоқда.

Келинг, аввало, ислоҳотлар талабларидан келиб чиқиб, сержант ким, унинг замонавий армиядаги вазифалари, мажбуриятлари нима, деган саволга жавоб излаб кўрайлик.

Сержант ўзига бўйсинувчи, яъни қўл остидагиларни жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар бўйича ҳар томонлама тайёрлайди, ҳар қандай шароитда энг мураккаб вазифаларни бажаришда уларнинг руҳий тайёргарлигини таъмин этади. Шахсий таркибни бошқариш, қурол, техника ва ҳарбий мулкни доимо жанговар шай тутишда бўлинма командирига амалий ёрдам кўрсатади. Жанговар ҳолатларда эса бўлинманинг тўлиқ жанговар шайлиги, жанговар қобилиятини, шахсий таркибнинг юксак маънавий-жанговар руҳини таъмин этади. Тактик вазиятни тушунтириб, командирлар буйруқларини етказади, улар асосида буйруқ беради. Шахсий намунаси билан посбонларини жанговар вазифани муваффақиятли бажаришга сафарбар этади. Буларнинг барини сифатли бажариш учун етакчи бўла олиши, қўл остидагиларни билими, тажрибаси билан ўз ортидан эргаштира олиши, моҳирона командирлик қилиши, шахсий кўрсаткичлари билан жамоа посбонлари ўртасида эътиборга сазовор бўлиши лозим.

(Давоми 2-бетда)

# Ҳофиз ва санъатсевар адиб

***Буюк адиб Ойбек миллий санъатимиз фидойиларига, жумладан, бектакрор хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовга ҳам чуқур ҳурмат-эҳтиром билан қараган, қўшиқларини севиб тинглаган. "Комилжон Отаниёзов замондошлари хотирасида" китобини варақлар эканмиз, олим ва ёзувчи Жуманиёз Шариповнинг бу икки улуғ сиймонинг дўстона муносабатига доир хотиралари диққатимизни тортди.***

ОЙБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Мазкур китобда келтирилган қуйидаги лавҳаларни сиз азиз мухлисларимизга ҳавола этарканмиз, севимли ёзувчимиз ҳаёти билан боғлиқ бўлган бу хотиралар кишиларимизнинг Ойбек ҳақидаги тасаввурларини янада тўлдиради, деган умиддамиз.

...1955 йил 31 май. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида Ойбекнинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан тантанали йиғилиш бўлди. Кеча Ойбекнинг уйида давом қилди. Тантанада ўзбекнинг барча санъаткорлари ўз санъатини намойиш қилишарди. Кеча қизигандан қизиб борарди. Мен ҳам Ойбекнинг бошқа яқин дўст, шогирдлари қаторида гўё шу кечанинг соҳибидай енг шимариб хизмат қилардим.

– Жуманиёз, ҳамма санъаткорлар келибди-ю, фақат Комилжон йўқ, – деди Ойбек ака мени олдиларига чақириб.

– Бугун Муқимий театрида "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" спектаклининг премьераси бор. Унга Комилжон куй басталаган, бўлмаса, келарди, – деди артистлардан бири.

(Давоми 4-бетда)

ИСЛОҲОТ

***Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш изчил давом этаётган ҳозирги пайтда ишсизлик муаммоси келиб чиқиши муқаррардир.***

Бунинг олдини олиш учун "Бандлик" дастури ишлаб чиқилиб, янги иш ўринлари ташкил қилиш, меҳнат ресурсларидан оқилона ва одилона фойдаланиш, биринчи галда ёшларга касб ўргатиш борасида муайян тажрибалар тўпланди. Бу борада Оролбўйи ҳудудида ҳам бир қанча юмушлар адо этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазири Абдулла Собуров билан суҳбатимиз ҳам шу мавзуда бўлди.

# Янги иш ўринлари

– Қорақалпоғистонда айни пайтда бир ярим миллиондан кўп аҳоли истиқомат қилади, - деди суҳбатдошимиз.

(Давоми 3-бетда)

BANK

ХАЛҚ БАНКИ
сизнинг оилангиз банки

УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (76) 391,8 ▼-1,5 | БЕНЗИН (91) 464,7 ▲+37,6 | ДИЗ.ТОПЛИВО 278,0 ▼ -0,4 | МАЗУТ 86,4▲+4,6 | СЖ.ГАЗ 164,7 ▲+13,6

# Яшил гилам, фасли гулбаҳор...

*Наврўз мушоираси*



## Гул сайри

Қир оралаб юрар эди ёлғиз бир дилдор,
Атрофи кенг, яшил гилам, фасли гулбаҳор.
Нафис гули, атлас гули, қўлда бойчечак,
Дедим, гулни терар кимга гўзал келинчак,
Салом бердим, таъзим айлаб, гулин тутди у,
Гулга боқдим, дилни ёқдим, йўл бошлар гулрў,
Гул сайрида бирга юрдик, қирлар гул дедим,
Ошиқлар дил навосининг куйи ул дедим.
Жилмайди-ю гулни қўйди аста бошимга,
Дедим яна гуллар териб келса қошимга,
Қошу кўзи жозибали куй сўзим бўлди,
Боқишлари баҳор гули, наврўзим бўлди,
Қир айландик,унутгандим гуллар сайрини,
У эса шод, дилда тутган баҳор майлини,
Қирдан сўрдим, гулдан сўрдим вафодорлигин,
Шивирларди майсалар ҳам у дилдорлигин.
Қўшиқ бўлди Назарматга баҳор гуллари,
Гўзал эди дашту қирлар, дилдор гуллари,
Топган эдим бунда кезиб баҳоримни мен,
Унутмайман гуллар тутган дилдоримни мен.
Юрар дилдор, тиззасини қучар майсалар,
Ёзгим энди қир гулига қўшиқ, қиссалар,
Билсам, қирлар соҳибаси экан у жонон,
Келинг деди, хирмон чоғи яна сиз меҳмон,
Қир оралаб юрар эди ёлғиз бир дилдор,
Атрофи кенг, яшил гилам, фасли гулбаҳор!

**НАЗАРМАТ**

## Ватан азиз

Диёрнинг тинчлиги учун ҳар маҳал,
Жондан Ватан азиз деганлар марддир.
Тўсиғу ғовларни маҳв этиб дангал,
Доимо эл ғамин еганлар марддир.
Огоҳлик айлансин яшаш туғига,
Юрт ишқи авлодга сингсин доимо.
Ватанга фидойи мардлар руҳига
Таянганлар завол кўрмагай, илло!

## Кеча ва бугун

Соғинч ўртар эди қалбим юртдан узоқда,
Вужудимни тилкаларди кўз илғамас ўқ.
Хўп зор эдим Ватан гардин кўзга суртмоққа,
Мен юртимдан айро бўлиб яшолмасдим...
Йўқ!
Ватан севмоқ иймондандир, муслимга суннат,
Саждагоҳдир остонаси, зардир зарраси.
Ўзбекистон-ҳур диёрим, монанди жаннат,
Букун сенда жаранглайди Ҳуррият саси.

**Абдуғани СУЛАЙМОН ўғли**

## Ёмғирдан сўнг...



Ёмғирдан сўнг хиёбон кездим,
Нигоҳ ташлаб атрофга сокин.
Руҳимга бир ёруғлик инди,
Тиниқлашди ақлу идроким.
Одамнинг бор ғубор-гардларин,
Буткул ювиб кетмиш ёмғирлар.
Кенг борлиққа ажиб бир ҳусн,
Тароват бахш этмиш ёмғирлар.
Майсаларнинг қулоқларида
Ялтирайди инжулар ял-ял.
Дов-дарахтлар, яшил япроқлар,
Яшилланмиш янада гўзал.
Майин эсган кўклам эпкини,
Сочим силаб, дилимни хушлар.
Намчил барглар аро беркиниб,
Неларнидир чуғурлар қушлар.
Нақ бир коса қимиз ичгандай
Қон гупирди томирларимда.
Дўстлар, ажиб синоат бордир
Сахий кўклам ёмғирларида...

**Зикрилла НЕЪМАТ**

## Хотира эшигин қоқади ёмғир...

***

Ошиқлар тилида куйларкан булбул,
Лайлининг, Кумушнинг руҳи экан гул.
Хаёлнинг кўкдаги акси мисол ой,
Борлиқ ҳам қалбимдай ҳиссиётга бой.
Оламда тугамас ишқ деган мавсум,
Дунёнинг юзида ўйнар табассум.
Бу ошиқ кўнглимдай куйлайди қушлар,
Еллар ёш боладай қўлимни ушлар.
Ишқ мангу берилган, жоним омонат,
Бир кун руҳим қолса севгига монанд,
Шу сўзни ёзинглар: "Армонсиз ўлган –
У ошиқ бўлган".

**Хуршид НУРУЛЛАЕВ**




# Ҳофиз ва санъатсевар адиб



(Боши 1-бетда)

Ойбек домла ўйланиб қолди, индамадилар. Билдимки, Комилжон Отаниёзовнинг мухлиси бўлган Ойбек домла унинг шу кечада бўлишини жуда истаяпти.

– Домла, мен ҳозир театрга бораман, – дедим дарвоза томонга йўл олиб.

– Премьера бўлса, келмас, – деди Зарифа опа ўйланиб қолиб.

– Гаплашиб кўраман.

Кўчада Ойбек домланинг "ЗИМ" машинаси турган эди. Ҳайдовчига қараб: "Ука, қани, Муқимий театрига кетдик", дедим. Кўз очиб-юмгунча Бешёғочдаги театрга кириб бориб, тўғри директор ложасининг эшигини очдим. У ерда пьеса автори драматург Аҳмад Бобожон билан бастакор Комилжон Отаниёзов спектаклни кузатиб ўтиришган экан. Салом-аликдан сўнг секингина "гап бор" деб икковини фойега чиқишларини илтимос қилдим.

– Бугун Ойбек домланинг юбилей кечаси борлигини биласизлар-а?

– Билар эдик. Премьера... – дейишди улар.

– Кўраяпман, премьера яхши ўтаяпти. Мусиқаси ҳам ажойиб. Яна янги премьералар ўтказасизлар, Ойбек домла эса ярим асрлик умрини бугун нишонлаяпти. Хўш, нима дейсизлар? Қуруқ кетаверайми?

Комилжон билан Аҳмаджонлар ўйланиб қолишди.

– Аҳмаджон, – деди Комилжон Отаниёзов ҳаммуаллифига қараб. – Мен борай, сиз премьерани кузатиб туринг. Сўнгра менга ўгирилиб: Шогирдимни топишим керак, асбоблар ҳам уйда.

– Топамиз, ташқарида машина турибди.

...Комилжон Отаниёзовнинг уйига бориб, чилдирмачини ва торни олиб, сўнгра Ойбек домланинг муқаддас гўшаси сари равона бўлдик.

Комилжон ҳовлига кирар экан, буюк ёзувчи Ойбекни табриклаб қучоқлашиб кўришди. Ойбек хурсанд бўлганидан "яхши, жуда яхши" дерди, холос. Домла бу вақтда оғир касалликдан кейин кўп гапира олмас, ўзининг хурсандчилигини ундов сўзлар билан билдирарди.

Комилжон келганини эшитган меҳмонлар бир-бирларига қараб, кечамиз жуда яхши қизир экан-да, дейишди. Ўшанда қизиқ воқеа рўй берди. Комилжон ўтиргани ҳам йўқ эди, кимдир ўртада "Лазги"га ўйнаётганини кўриб, "Хоразмча "Лазги" бундай бўлади", деб рақсга тушиб кетди. Етук ҳофизнинг шу вақтгача "Лазги"га тушганини кўрмагандим. Фақат қўшиқларига маҳлиё бўлиб юрардим. Энди эса иккинчи санъатини кўриб, ҳайратга тушдим. Ўтирганларнинг барчаси шундай ҳолатда эдилар. Комилжон бироз тўладан келган бўлишига қарамай, худди қушдай енгил учарди. У "Хоразм лазги"сини энг чиройли жилоларини ўз ҳаракатларида акс эттирди. Ҳамманинг кўзи бу улкан санъаткорда эди. Кеча ниҳоятда қизиб борарди. Қўшиқлар кетидан қўшиқлар янграр, рақслар рақсга уланиб борарди.

Ҳаммадан кўра Комилжон Отаниёзов завқ-шавқ билан қўшиқ айтди. Унинг илҳоми гўё булоқдек қайнаб тошарди. У 15 та ашулани тўхтамасдан устма-устига айтиб, шу ажойиб кеча руҳини янада кўтарди. Кеча тонгга уланиб борарди. Бунда ҳаммадан кўп Комилжон ака ашула айтди. Меҳмонлар хурсанд. Тантана сўнггида Ойбек бетакрор санъаткорни қучоқлаб миннатдорчилик билдирди.

***–Ҳар йили табиат Наврўзда қайтадан жонланади, - дейди пастдарғомлик кекса онахон Ойлар момо Сатторова. – Бу кунда мен ҳам ёшаргандай бўламан. Болалигим Оқтошнинг Зирабулоқ қирларида ўтган.***

# Табиат сийлаган кун



ҚАДРИЯТ

Наврўзни саҳарданоқ ўзгача шукуҳ билан қарши олардик. Уч-тўрт кун аввал қишлоғимиз одамлари қирдан байрам учун жой ҳозирлашарди: сумалак пишириш учун ўчоқ,дорбозлик жиҳозлари, кўпкари, кураш, чиллак, қулоқчўзма, оқ теракми-кўк терак, ҳалинчак, арқон тортиш каби турли халқ ўйинлари учун махсус жойлар қилинарди.

Қишлоғимизнинг кекса аёллари сумалак пиширишар, туни билан достонлар айтишарди. Ёшу яланглар достонларни эшитиб, шу куни "оқ суяк" ўйинини ўйнардик. Унинг шарти шундай эди: жўрабоши суякни узоққа – қоронғулик қаърига улоқтирарди. Биз 10-12 чоғли ёш қизу ўғил уни топиб, топгандаям эпчиллик билан бошқаларга олдирмай жўрабошига келтирардик. Ўйин қизигани боис катта ёшдагилар ҳам қўшилиб кетишарди. Ғолиб бўлган – энг ботир, энг чаққон деб таърифланарди.

Наврўз кунини саҳар туриб ҳар ким савоб иш қилишдан бошларди. Беморларни бориб кўришар, аразлашгану гинадорлар бир-бири билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишарди, қуда-анда, қариндош-уруғлар дийдорлашарди.

Бизни шундай халқона байрамимиздан мосуво қилишга қанча уринишди. Шукроналар бўлсинки, мустақиллик туфайли армонларимиз ушалди. Наврўз энг эъзозли байрамимиз сифатида нишонланмоқда.

Менинг 33 нафар невара, 30 та чеварам бор. Наврўз куни уйим улар билан тўлади. Мен эса сумалак пишириб бераман, достону ўлан айтаман. Дориломон кунларимиз қадрига етинглар, дейман.

**Акрам ҲАЙДАРОВ ёзиб олди.**
**Самарқанд вилояти.**




## Алонса – Малайзияда ғолиб

***"Формула-1" пойгаларининг Малайзия Гран-приси асосий мусобақалари ҳам якунланди. Унда квалификация пойгалари ғолиби бўлган "Renault" жамоаси аъзоси Фернандо Алонса марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтишга муваффақ бўлди.***




Унинг жамоадоши Жанкарло Физикелле эса мусобақани иккинчи бўлиб якунлади. Етти карра жаҳон чемпиони Михаэл Шумахердан яна омад юз ўгирди. У мусобақани еттинчи бўлиб якунлади. Шумахернинг укаси Ралф эса бу сафар акасидан яхшироқ натижа кўрсатиб, марра чизиғига бешинчи бўлиб етиб келди.

## Иккинчи бор жаҳон чемпиони

***Россиялик фигурачи Ирина Слуцкая ўзининг фаолиятида иккинчи бор жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Москвада ўтказилган жаҳон чемпионатида у сўнгги дастурида бирорта ҳам хатоликка йўл қўймай, рекорд кўрсаткич – 130,10 балл тўплашга муваффақ бўлди.***

Ирининг умумий тўплаган баллари эса 222,71 га тенг бўлиб, энг асосий таъқибчиси Саша Коэнни саккиз баллга ортда қолдира олди.



Учинчи ўрин эса италиялик фигурачи Каролина Костнерга насиб этди. Иринадан ташқари мезбонлардан яна Татьяна Тотьмянина ва Максим Маранинлар ҳамда Татьяна Новка ва Роман Костиморовлар жуфтликлари ҳам чемпионатни олтин медаллар билан якунлашди. Мария Петрова ва Алексей Тихоновлар жуфтлиги эса кумуш медал билан тақдирланишди.

## Илёснинг дебют учрашуви

***Футбол бўйича Италия "А" серияси навбатдаги тур баҳслари ўтказилди.***

Ушбу турнинг ўзбекистонлик футбол мухлислари учун энг аҳамиятли воқеаси терма жамоамиз аъзоси, иқтидорли чарм тўп устаси Илёс Зейтуллаев ўзининг дебют учрашувини ўтказгани бўлди.

Аслида Италиянинг "Ювентус" клубига қабул қилиниб, кейинроқ "Реджина"га бериб юборилган Илёс айнан собиқ жамоасига қарши ўйинда майдонга туширилди. Учрашувнинг сўнгги ўн беш дақиқасида тўп сурган ҳамюртимиз "Ювентус" футболчиларга яхшигина қаршилик кўрсата олди. Ўйин эса 1:0 ҳисобида "А" серия пешқадами фойдасига ҳал бўлди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Интер" – "Фиорентина" 3:2, "Сиена" – "Лацио" 1:0, "Парма" – "Палермо" 3:3, "Удинезе" – "Лечче" 2:1.

## Эрик Моралес – қўш камар соҳиби

***АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида бокс бўйича жаҳоннинг уч вазн тоифасида собиқ чемпиони Эрик Моралес ва икки вазн тоифасида экс-чемпион Мэнни Пакьяолар ўртасида жанг бўлиб ўтди.***

WBC International ва IBA бўш камарлар учун кечган мазкур чемпионлик жангги мексикалик боксчи Эрик Моралес фойдасига ҳал бўлди. "Муштлашув"ни яхши бошлаган Моралес рақибидан дастлабки раундларда устунлик қилди. Лекин филиппинлик чарм қўлқоп устаси Пакьяо ҳам етарлича қаршилик кўрсатишга ўзида куч топа олди. Тенгма-тенг ўтган 12 раундлик жангдан сўнг ҳакамлар кичик устунлик билан ғалабани Эрик Моралесга тортиқ этишди – 115:113. Ушбу ғалаба уни бирданига икки чемпионлик камари эгаси бўлишини таъминлади.



## Дрогба узр сўради

***"Челси" ҳужумчиси Дидье Дрогба швециялик ҳакам Андерс Фрискдан узр сўради.***

Reuters агентлигининг хабар беришича, футболчи TF1 телеканалига берган интервьюсида қуйидаги фикрларни айтиб ўтган: "Мен Фрискдан узр сўрайман. Лекин ҳакамлик фаолиятини якунлаганидан афсусдаман ва умид қиламанки, ўз фикрини яна бир бор ўйлаб кўради. Ҳозирги замонавий футбол иқтидорли ҳакамларга муҳтож ва улардан бири сифатида Фрискни таъкидлаш мумкин".



Эслатиб ўтамиз, Дрогба ва Фриск ўртасидаги келишмовчилик Чемпионлар лигасининг "Барселона" ва "Челси" ўртасидаги 1/8 финал учрашувининг биринчи ўйинида пайдо бўлганди. Ўшанда швециялик ҳакам Дрогбани майдондан четлатиб, Жозе Моуриньони хафа қилганди. Кейин эса унга бўлган турли хил тазйиқлар оқибатида ҳакамлик фаолиятини якунлаганди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

# Баҳор таомлари

***Фасли баҳорга тааллуқли бир қатор тансиқ таом турлари борки, улар нафақат хушхўр, лаззатлилиги билан, балки шифобахшлиги билан бир қатор хасталикларга даволик қилади.***

## Шовул-бедали шўрва

Қайнаб турган 300 г сувга 50 г гўшт майдаланган ҳолда солинади-да, чорак соат давомида қайнатилади, сўнгра саримойда "ўлдирилган" 15 г сабзи ва шунча миқдорда кесилган бош пиёз қўшилади, шунингдек, тўғралган 50 г шовул ва 25 г беда солинади. Пишишига 5 дақиқа қолганида таъбга қараб туз ва зираворлар қўшилади. Дастурхонга тортиш олдидан 10 г қаймоқ (сметана) қўшилиб, майда кесилган шивит (укроп) ва крафш (петрушка) билан безакланади.

Мазкур баҳорий таом хуштаъмлилиги билан милк, танглай яллиғланиши, бодомча безларининг шамоллаши, оғиз иллатларида, кўнгил айнишида эмлик қилади, зарда қайнашида ва сариқ касаллигида дардни енгиллаштиради. Бундан ташқари шўрванинг меъдани кучли қилиши, безгак хуружига таскинлик бериши ҳақида маълумотлар бор.

## Исмалоқ ва шовулли кўнгилочди

Бу таомни тайёрлашда баҳорий кўкатлар бўлмиш исмалоқ ва шовул бегона гиёҳлардан тозаланади-да, яхшилаб ювилади. Сўнгра 100 г миқдордан олиб майдаланади, унга сувда пиширилган яримта тухум, шивит, саримсоқ майдаланган ҳолда қўшилиб, таъбга қараб тузланади ва 40 г ўсимлик мойи билан ишланади.

Мазкур салат хушхўрлиги билан иштаҳани очади, таом таркибида сезиларли даражада темир ва йод мужассам бўлганлиги туфайли у камқонликда (гидрохромли анемия), бўқоқ хасталигида фойда бериши билан ажралиб туради. Шунингдек, мичал, зангилага даво, қорин дамланишидан фориғ этади.

## Момоқаймоқли салат

Момоқаймоқнинг мурғак баргларидан 100 г олиб бироз тузланган совуқ сувда ярим соат сақлаб турилгач, майдаланади-да, майда тўғралган крафшдан 25 г ва кўк пиёздан 50 г миқдорида қўшилиб, ўсимлик мойи билан (15 г) ишлов берилиб, туз ва сирка аралаштирилади. Кўкатлар аралашмасининг усти шивит билан "гуллаНади". Мазкур емакдан истеъмол этиш буйрак касалликларига нафли бўлиб, жигарга ҳам оромбахш таъсир кўрсатади. Овқат ҳазм қилиш аъзоларининг фаолиятини уйғунлаштиради, қабзиятдан холи бўлишга ёрдам беради, сафро ва пешоб ҳайдашда омилкорлик қилади. Емак маълум даражада қувват берувчи восита ҳисобланади.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**

Деҳқон ва фермер хўжаликлари соҳиблари, Сизлар учун!

ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ?



МАРҲАМАТ!

*Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, енгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг.*
*Улардан дезинфекция қилишда, йўл ёқаларидаги ўт-ўланларни йўқотишда ҳам фойдаланиш мумкин.*
*"Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси таркибидаги "Агрихим" Ўзбекистон – Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан сертификатлаб берилган ва 7 йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келиняпти.*
*Пуркагичларни маблағ ўтказиш ва нақд пул тўлаш йўли билан сотиб олиш мумкин.*
*Қўшма корхона шундай пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб ҳам беради.*

**Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй**
**Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30.**
**Тел.: (098-71) 169-35-46, 169-49-33; факс: 169-49-44**

Пуркагичлар соҳасида янгилик!



Яқиндан бошлаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ОДК "Кориола" С-100 русумидаги двигателли пуркагич аравачага ўрнатилган бўлиб, сиғими 100 литр суюқликка мўлжалланган.



Утерянный аттестат №308751 выданный средней школой №275 М.Улугбекского района г.Ташкента в 1993 г. на имя Ким Александра Вячеславовича, считать недействительным.

Утерянный аттестат А№427412 выданный средней школой №275 М.Улугбекского района г.Ташкента в 1994 г. на имя Ан Надежды Валентиновны, считать недействительным.

Утерянный дубликат гос.ордера №10-01/1949 от 14.01.1993 г. права собственности на имя Никонов Александр Александрович на квартиру, считать недействительным.

Утерянную лицензию за №2074 выданную СП "UZ OMEGA TEX" на право привлечения иностранных граждан к труду (срок действия лицензии до 30.12.2004 г.) считать недействительным.

Утерянную лицензию за №2074 (срок действия лицензии до 30.12.2004 г.) выданную Агентством по вопросам внешней трудовой миграции на имя Джун Бьенг Джо считать недействительным.

Аниқлик киритамиз:
Газетамизнинг 21 март санаси билан чиққан сонлари № 38-42 (6.879) деб ўқилсин.

Газетанинг навбатдаги сони 25 март, жума куни чиқади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 136-56-30, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: А. КАРИМОВ. Саҳифаловчилар: А.ИСМОИЛОВ, Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ Мусаҳҳиҳ: М. АБДУСАМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-217, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади -14902

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6